


А. УЛУҒОВ

ҚИССАЧИЛИГИМИЗ
ҚИРРАЛАРИ



АБДУЛЛА УЛУФОВ

ҚИССАЧИЛИГИМИЗ ҚИРРАЛАРИ

Монография

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1991

Еш адабиётшуноснинг мазкур тадқиқотида кейинги йиллар ўзбек қиссалари ҳақида сўз юритилади. Уларда ҳаёт муаммолари қандай акс эттириляётганига, инсон образи қай тарзда бадиий тадқиқ қилиб кўрсатиляётганига эътибор қаратилади. Шунингдек, яратилган қиссаларнинг танқидчилигимизда қандай талқин этиляётгани хусусида ҳам мулоҳаза билдирилади.

Муаллифнинг қиссачилигимиз муаммоларига ҳозирги дунёқарашимиздаги ўзгаришлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашганлиги эътиборни жалб этади.

Тақризчилар: филология фанлари доктори профессор П. ШЕРМУ-ХАМЕДОВ, филология фанлари номзоди, доцент А. РАСУЛОВ

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Замонавийлик ва ҳаққонийлик	9
Муносабат	69

На узбекском языке

АБДУЛЛА УЛУГОВ

ГРАНИ СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПОВЕСТИ

Ташкент «Ўқитувчи» 1991

Муҳаррир М. Собирова
Бадиий муҳаррир Ж. Одилов
Техн. муҳаррир С. Турсунова

Теришга берилди 04.01.91. Босишга руҳсат этилди 14.05.91. Формати 84×108¹/₂. Тип. қоғози № 1. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитура. Шарҳи б. л. 7,14. Шарҳи қр.-отт. 7,35. Нашр. л. 6,81. Тиражи 1000. Зак № 2375 Баҳоси 3 с.40 т.

Ўқитувчи нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шарҳнома 13—398—90.

Ўзбекистон ССР матбуот Давлат комитетининг Ташполиграфкомбинатл. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1991.

Ташполиграфкомбинат Государственного комитета Уз ССР по печати. Ташкент, ул. Навои, 30.

4602010000

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1991

Бобом мулла Улуғ Ёқуб
ҳожи ўғлига бағишлайман.

МУҚАДДИМА

Маънавий, иқтисодий ҳаётда туб буррилиш қилиш, янгича сифат ўзгаришларига эришиш совет жамиятининг бош йўли бўлиши зарурлигини давр тақозо қилмоқда.

Давр тараққиёти эндиликда турмушнинг ҳар бир соҳасида жиддий юксалишларни қўлга киритиш, сўз билан илп бирлигини амалга ошириш, ҳақиқатни, демократияни тўла барқарор этишни талаб этмоқда. Социалистик ҳаёт тараққиётига тўсиқ бўлаётган кўзбўямачилик, қўшиб ёзини, дабдабабозлик, расмийчилик, бюрократизм сингари ярамас ҳодисаларни бартараф этиш эса кишилардаги лоқайдлик, худбинлик, пассивлик психологиясига нисбатан кураш олиб боришни талаб қилади. Чунки актив ҳаётий позицияда туриш, жамият ишига фаол аралашини ҳар бир совет кишининг энг асосий хусусияти даражасига кўтарилиши керак. Жамиятнинг истиқбол сари ривожланиб боришида эса санъат ва адабиётнинг роли беқийёсдир. Нима учун дегадда кишилар адабиёт ва санъат асарлари орқали ҳаётнинг мураккаблиklarини, муаммоларини, замондош инсоннинг маънавий қийфасини, унинг қувончу дардларини кўрадилар. Совет санъати ва адабиёти ҳам ҳаётни бутун зиддиятлари билан бадний акс эттириш борасида ўзининг кенг имкониятларини намойиш қилмоқда ва жамият ривожига актив таъсир этмоқда.

Совет адабиёти жамият олға интилаётган бош йўлга доим тайёр бўлиб, у ғоят катта таъсир кучга эгадир. Хусусан, 70—80-йиллар совет адабиётида бир қатор яхши асарлар пайдо бўлдики, улар ҳаётни тадқиқ этиб кўрсатиши, ундаги ижтимоий-маънавий муаммоларни теран бадний ифода қилиши, инсон дунёсининг табиий-ижтимоий мураккаблиklarини чуқур очиши билан жамият аъзоларининг маданий савиясини, онгу тафаккурини ўстириш, бойитиш ишига самарали хизмат қилгани шубҳасиз. Бу даврда яратилган энг яхши насрий,